Миграция жараёнларини тартибга солиш

Фуқароларнинг ҳисобини юритиш

Хорижий иш берувчилар талаблари асосида фуқароларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўқитишни ташкил этиш

Меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, ушбу йўналишда янги механизмларни жорий қилиш 16 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган

Бундан ташқари, фуқароларимизни хорижий давлатларга ишга жалб қилиш ва хорижда уларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича **26 та ҳукуматлараро** ва **идоралараро келишувлар имзоланган.**

16

2 та Қонун,

3 та Президент фармони

8 та Президент қарори

Вазирлар Маҳкамасининг **3 та** қарори

13 та *ҳукуматлараро*

10 та *идоралараро*

IOM UN MIGRATION

ICMPD International Centre for Migration Policy Development

Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида – ПФ-162 фармон

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида – ПҚ-367 -сон қарор қабул қилинди

Президентнинг **17 октябрда**
қабул қилган Фармон ва қарори

Фармон - миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш

Фармонга асосан **Миграция бўйича республика комиссияси қайта ташкил этилди,** таркиби ва ваколатлари кенгайтирилди

Қарор - хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш

фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва уларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш

Республика комиссияси Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик муассасаларида миграция масалалари бўйича **дипломатик лавозимларни** киритиш ва тугатиш таклифини киритади

Агентликнинг республика ҳудудларида **14 та** ҳудудий филиаллари ва хорижда **17 та** ваколатхона ҳамда вакилликлари мавжуд.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолиятини тугатилди, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида **Миграция агентлиги** ташкил этилди

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси Агентликка ўтказилди ва **Миграция жамғармаси** ташкил этилди

Республикаси ҳудуддаги Қурилиш техникумларида ташкил этилган **13 та** қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказлари Агентлик тасарруфига ўтказилди, шунингдек, **14 та** Жамоат саломатлиги техникумлари Агентликка бириктирилди

Агентлик ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи, давлат органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва давлат хизматларини кўрсатувчи республика ижро этувчи ҳокимият органи этиб белгиланди

- Соҳадаги жараёнларни комплекс тартибга солиш ва фуқароларни чет элга ишга юборишни назорат қилади
- Миграция соҳасида хорижий давлатлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади
- Фуқароларни касб-ҳунар ва чет тилларига ўқитиш ишларини ташкил қилади
- Дипломатик муассасалар билан доимий ҳамкорлик қилади
- Хусусий бандлик агентликларига лицензия беради, фаолиятини текшириш билан боғлиқ назорат тадбирларини ўтказади
- Агентлик ўз фаолияти бўйича бевосита Вазирлар Маҳкамасига ва Миграция бўйича республика комиссиясига ҳисобот беради

Қарор билан соҳада қилинаётган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилди.

- хорижда иш берувчиларни топиш
- фуқароларга ёрдам кўрсатиш
- номзодларни аниқлаш ва уларни тайёрлаш
- хорижга кетаётганларни кетишдан олдин кўниктириш
- уларни меҳнат фаолиятини мониторинг қилиш ва хориждан қайтганлар билан манзилли ишлаш

Меҳнат миграцияси масалалари бўйича ташқи ишлар вазирининг алоҳида ўринбосари лавозими жорий этилди

- Иш берувчиларни топишда Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик муассасалари роли ва шахсий жавобгарлиги кучайтирилди
- Фуқароларни хорижда иш билан таъминлаш жараёни тўлиқ рақамлаштирилади
- Хориждаги иш ўринлари барча учун очиқ эълон қилиб борилади

- Фуқароларга иш ўринлари бўйича танловларда эркин иштирок этиш
- хорижий иш берувчилар учун ўзининг резюмесини шакллантириш
- платформага жойлаштириш имконияти яратилади
- Фуқароларга кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш содда шаклга келтирилади

Натижада

- хориждаги ишни танлаш
- иш берувчи танловларида қатнашиш
- компенсация тўловлари
- молиявий кўмак олишда инсон омили бўлмайди.
- Фуқароларни **ташкилий ишга жалб қилишда** хусусий бандлик агентликларини роли оширилади.
- Бунда, Агентлик томонидан **хорижий иш берувчилардан жалб қилинган иш ўринлари буюртмаси очиқ танлов йўли билан** хусусий бандлик агентликларига тақсимлаб берилади.

Ваколатли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш бўйича **аниқ вазифалар**

- **Ташқи ишлар вазирлиги ва элчиларимиз билан** ривожланган давлатлар **географиясини кенгайтириш, янги меҳнат бозорларини очиш** ва **юқори даромадли, кафолатланган иш ўринларини топишда** тўғридан тўғри ҳамкорлик қилинади
- **улар билан виза квоталарини кўпайтириш** ва **уларни расмийлаштиришни соддалаштириш,** касбий малакани баҳолаш ваколатига эга **халқаро ташкилотларни Ўзбекистонга жалб қилиш** йўналишларида ҳам манзилли ишлар йўлга қўйилади
- хорижий давлатларнинг **миграция дастурларига** Ўзбекистонни қўшиш бўйича алоҳида ишланади
- **фуқароларни хорижга ишга жалб қилиш, уларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш** бўйича **ҳукуматлараро** ва **идораларо** келишувлар кўпайтирилади.

2020 йилда республикада жорий этилган **“Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими”**

Хорижда ишлаш истагида бўлган номзодларни ишга юбориш

- хорижда ишлаш истагида бўлган **номзодлар аниқланади**
- касб-ҳунарга ва чет тилларига **ўқитилади**
- хорижга ишга юборилади.

Зарур ҳолларда, фуқароларга **молиявий кўмаклар кўрсатилади**.

- ташқи меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда **меҳнат мигрантларини касб-ҳунарга** ва **чет тилларга ўқитиш**
- хорижга кетаётган фуқароларнинг “**ишчи виза**”, **йўл чиптаси** ва хорижий тил ёки касб бўйича **малакани баҳолаш харажатларини қоплаш**
- **субсидия ҳисобига** мигрантлар соғлиғи, ҳаёти ва бошқа таваккалчилигини **суғурталаш**
- хорижга кетаётган фуқароларнинг кетиш ва меҳнат фаолиятини расмийлаштириш харажатларини қоплаш учун **10 млн** сўмгача микрокредит бериш

Хориждаги меҳнат мигрантларига кўрсатиладиган ёрдамлар

Жамғарма маблағлари ҳисобидан **қуйидаги хизматлар кўрсатилади:**

- Хориждаги фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун адвокатларига **3 минг** долл.гача ҳақ тўланади.
- Маблағсиз ва яшаш жойисиз қолган фуқаролар хостеллар жойлаштирилади ва уларга **300** долл.гача ҳақ тўланади.
- Оғир вазиятларга тушиб қолган фуқаролар ва вафот этган фуқароларнинг жасадлари Ўзбекистонга олиб келинади.
- Фуқароларга кўрсатилган тиббий ёрдамлар учун **1,5 минг** долл.гача тўлаб берилади зарурат бўлса, улар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан Ўзбекистонга олиб келинади.
- Маблағсиз қолган фуқароларга бир марталик моддий ёрдамлар берилади.

Меҳнат мигрантларини **Ўзбекистонда бандлигини таъминлаш** тизими

- Хориждан қайтган шахслар билан индивидуал ишлаш тартиби жорий этилди. Бунинг учун **14 тур**даги инструментлар мавжуд.
- Улар тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан **базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробари**гача **миқдорида** субсидия ажратилади.
- Меҳнат миграциясидан қайтган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга ҳар бир ишга олинган ходим учун **12 ой давомида ойига 500 минг сўмдан** субсидия тўланади.

Хориждаги фуқаролар ҳисобини юритиш

Хорижга чиқиб кетган ва хориждан қайтган меҳнат мигрантлари ҳақидага статистик кўрсаткичлар **қуйидаги манбалар ҳисобидан** шакллантирилган маълумотлар асосида юритилади

1

ИИВнинг “Узоқ муддатли кетган шахслар ахборот электрон маълумотлар” *(УМКШ АЭМ)* базасидаги маълумотлар асосида.

2

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1011-сонли қарори асосида Бандлик вазирлиги, Статистика агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан **ҳар чоракда** шакллантириладиган **меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш баланси** асосида.

3

Давлат персоналлаштириш марказининг электрон маълумотлар базаси асосида олинадиган хорижга чиқиб кетган меҳнат мигрантлари тўғрисидаги статистик кўрсаткичлар асосида.

БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ва Аҳоли жамғармаси **хулосасига асосан ҳам** миграция бўйича маълумотларни манбалари қуйидаги **3 та гуруҳга** бўлинган:

- аҳолини рўйхатга олиш ва сўровлар ўтказиш
- маъмурий манбалар
- чегаралар ва халқаро кириш пунктларида тўпланган маълумотлар

ПҚ-367-сон қарор

билан хорижда ишлаш истагида бўлган номзодларни аниқлаш ва тайёрлаш йўналишларида ҳам алоҳида вазифалар белгилаб берилган

Унга кўра:

- Ҳокимликлар ва “маҳалла еттилиги” билан биргаликда ҳудудларда хорижга ишлаш учун кетмоқчи бўлган фуқаролар аниқланади ва улар касбий малакаси, тил билиш даражаси, иш берувчи талабига мослиги бўйича сараланади
- иш берувчилар талабига мос келадиган касбий малака ва чет тилини билиш даражасига эга номзодлар тўғридан-тўғри иш берувчилар танловига жалб қилинади
- касбий малакага эга бўлмаган ёки чет тилини билмайдиган фуқароларни иш берувчи талабига мос равишда тайёрланади

Бунинг учун:

- фуқароларни ўқитиш тизими кенгайтирилади ва замон талабига мослаштирилади
- профтаълим муассасалари, касбга ўқитиш марказлари ва хусусий ўқув марказлари билан амалийликка йўналтирилган, интеграциялашган ва мотивацияга асосланган ўқитиш тизими жорий этилади
- халқаро дастурлар асосидаги ўқув курслар ва халқаро малакани баҳолаш маркази ташкил этилади
- хорижий ташкилотлар билан қўшма ўқув курслари кўпайтирилади
- ўқитувчиларни рағбатлантириш мақсадида таълим муассасаларидаги чет тили фани ўқитувчилари рейтинги тузилади
- немис, инглиз, япон ва корейс тиллари бўйича камида B1 даражадаги халқаро сертификат олган битирувчилари энг кўп бўлган 50 нафар ўқитувчига 50 миллион сўмдан субсидия тўланади

Бу йўналишларда тегишли вазирлик ва идоралар, хориждаги дипломатик муассасалари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар жавобгарлиги кучайтирилди ва уларга KPI белгиланди